

---

## Оила тинч - юрт фаровон

Инсон дунёга келиб, камол топишида оила ва ундаги тарбиявий муҳитнинг аҳамияти катта. Хонадонда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри шаклланиши нафақат оила тинчлиги, балки жамият фаровонлигига ҳам бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадимдан оила кадриятларини улуғлаб келган.

15 май "Халқаро оила куни" Фурқат туманида ҳам кенг нишонланди.

Жумладан, шу куни Касб-ҳунар мактабида "Эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш" мавзусида никоҳ ёшидагилар билан давра суҳбати ташкилланди. Шунингдек, Фурқат тумани ФХДЁ бўлимида ёш келин-куёвлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида туман Бош имом хатиби А. Пармонқулов, туман "Оқила аёллар" ҳаракати раҳбари Ҳ. Асқарова, туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи З. Алихаджаева ва 50 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида аҳил-иноқ яшаб келаётган Эргашевлар оиласи иштирок этди. Тадбир бошида Эргашевлар оиласи ФХДЁнинг фахрий имзолар дафтарига имзо қўйдилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди. Оилалар манфаатини ҳимоя қилиш, оилаларни қийнаётган муаммо ва низоларни бартараф этиш, айниқса, ажримларнинг олдини олиш масаласига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилаётгани бежизга эмас. Асосий мақсадимиз ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш.

Бегуноҳ, норасида гўдакларни тирик етим қилмаслик, гулдек оилаларни пароканда бўлиб кетишига йўл қўймасликдан иборатдир. Шундай экан, оилалар бардавомлигини таъминлаш, унинг шаънини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, оилага дахлдор бебаҳо қадрият ва анъаналарни келгуси авлодларга етказишда ҳар биримиз масъулмиз. Ниятимиз, ҳар бир оила маънавий соғлом, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечирсин. Оила бағрида улғаяётган фарзандлар комил инсон сифатида вояга етиб, давлатимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшаверсин.

**Фурқат туман ФХДЁ бўлими мудираси**  
**Дилдорахон Халилова**

2023-05-17 12:10:33